

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИ ВА ЎЗГАРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Каримова Мухтасар Исроилжон қизи

тадқиқотчи Фарғона Политехника инсититути

(тел: +998 91 657 45 54, э-маил: kmuxtasar354@gmail.com)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8430381>

Аннотация: Ушбу мақолада қурилиш материаллари корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш жараёнлари назария, муаммолар ечими, такомиллаштириш истиқболлари масалалари материаллари бозорининг ривожланиш ҳолати ва ўзгариш тенденциялари таҳлили ёритиб берилган.

Калит сўзлар: инвесторлар, экспорт қилиш, гулқоғоз, тенденция, таннарх, таббий пардозбоп тошлар, арзон, сифатли.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан 2022 йилда соҳа корхоналарига 600 млн доллар миқдорда қурилиш материаллари ва хизматларини экспорт қилиш режа кўрсаткичлари. Жумладан, январ-сентябр ойлари учун 396,4 млн доллар миқдорида экспорт қилиш режалаштирилган эди. Жорий йил 9 ойлиги якуни бўйича олинган тезкор маълумотларга кўра тармоқ корхоналари томонидан 445,5 млн доллар миқдорида қурилиш материаллари ва хизматлари экспорти амалга оширилиб, белгиланган режа 112,4 фоизга бажарилди. Бу 2021 йил жорий даврига нисбатан 155 фоизга ёки 160 млн долларга кўп демакдир. Юқоридаги экспорт кўрсаткичлар 67 млн долларлик керамик плитка ва керамика буюмлари, 30,5 млн долларлик алюмин профил ва панеллар, 61,2 млн долларлик ПВХ профил, труба ва фитинглар, 7,5 млн долларлик семент, 33,7 млн долларлик куруқ қурилиш қоришмалари, 27,1 млн долларлик гулқоғоз, 12,6 млн долларлик таббий пардозбоп тошлар каби қурилиш материаллар экспорт қилиш ҳисобига эришилди. Ётиборли жиҳати, аксарият қурилиш материаллар бўйича тармоқда янги қувватларни яратилиши ва модернизатсия қилиниши, инвеститсия лойиҳаларининг амалга оширилиши, ҳамда янги корхоналарни экспортга жалб қилиниши ҳисобига баъзи турдаги қурилиш материаллари экспорти 2021 йил шу даврига нисбатан бир неча баробарга оширишга муваффақ бўлинди. Мисол учун, 2021 йилга нисбатан керамик плиткалар 1,4 баробарга, гулқоғоз 2,6 баробарга, табий пардозбоп тошлар 1,7 баробарга, ойна маҳсулотлари 1,6 баробарга кўп экспорт қилинди. Жорий йилнинг ўтган ҳисобот даврида қурилиш материаллари экспорти географияси анъанавий ҳисобланган бозорлар яъни Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистондан ташқари Афғонистон, Россия, Литва, Туркия, Украина, Озарбайжон, Хитой ва эрон давлатлари ҳисобига кенгайтирилди.

Қурилиш материалларининг асосий экспорт бозорлари бўлиб қўшни республикалар бозорлари ҳисобланиб, ушбу давлатларнинг умумий экспортдаги улуши қарийб 71 фоизни ташкил этмоқда. Хусусан, давлатлар кесимида кўриб чиқадиган бўлсак, Қозоғистонга – 138,6 млн долларлик, Қирғизистонга – 64,2 млн долларлик, Тожикистонга – 44,5 млн долларлик, Туркменистонга – 17,3 млн долларлик, Афғонистонга – 1,8 млн долларлик, Россияга – 43,1 млн долларлик, Литвага – 14,5 млн долларлик, Туркияга – 7,4 млн долларлик, Украинага – 2,5 млн долларлик, Озарбайжонга – 6,2 млн долларлик қурилиш материаллари экспорти амалга

оширилган. Мамлакатимизда қурилиш материаллари саноати корхоналарининг инновацион салоҳиятини бошқаришнинг назарий ҳамда қурилиш материалларининг инновацион ривожланишини ўрганиш натижалари келтирилган. Фарғона вилоятидаги саноат корхоналар фаолияти, амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳаларининг бугунги ҳолати билан жойларга чиққан ҳолда ўрганишди.[2] Ишчи гуруҳ томонидан тадбиркорларни қийнаётган муаммолар, инвестиция дастури доирасида амалга оширилиши кутилаётган ишлар “корхонабай” усулда тўлиқ ўрганилди, шу билан бирга керакли тавсия ва кўмаклар берилди. Мутахассислар дастлаб, Фурқат туманида барпо этилган йилига 30 млн.м² гипсакартон ишлаб чиқариш қувватига эга “Беижинг Нев Буилдинг Материалс Публис Лимитед Компанӣ” МЧЖ да бўлишди. Бу ерда умумий қиймати 30 млн доллар бўлган лойиҳанинг тадбиқ этилиши билан яқиндан танишишди. Корхонада нафақат гипсакартон балки, гипс ва метал профиллар ҳам ишлаб чиқарилади. Бугунги кунда лойиҳа доирасида жами 22,5 млн. доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилган. Мазкур ўзлаштирилган маблағларнинг 6,9 млн. доллари қурилиш ишларига, 13,0 млн. доллари дастгоҳлар учун ҳамда 2,6 млн. доллари бошқа харажатларга сарфланган. Ҳозирда ҳудудда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда.[4] Хусусан, бино-иншоотларда қурилиш ишлари 80 фоизга бажарилиб, ишлаб чиқариш линияларининг бир қисми ўрнатилди. Корхона томонидан “Гипс ва гипсакартон маҳсулотлари ишлаб чиқариш” лойиҳаси жорий йилнинг май ойида фойдаланишга топширилиши ҳамда 130 нафар янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган. Ўрганишлар давомида уюшма мутасаддилари корхонанинг маҳсулот турлари, унинг сифати, энергия тежамкор технологиялардан фойдаланиш бўйича ўз таклиф ва тавсияларини берди.[3] Шунингдек, ишчи гуруҳ “Кварс” АЖ да ҳам ташриф буюришди. Ишчи гуруҳ корхонадаги барча бўлимларда бўлиб, замонавий технологиялар асосидаги ишлаб чиқариш жараёнлари, хом-ашё масаласи, эндиликда бу йўналишда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалар бўйича таклиф ва муаммоларни тўлиқ ўрганди. Ишчи гуруҳ Фарғона вилоятидаги тадбиркорлар ва саноат корхоналари мутахассислари билан учрашиб, амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини ўз муддатида ва сифатли ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, атроф-муҳит муҳофазаси масалаларининг таҳлили бўйича ҳамкорликда фаолият олиб бориш ва мавжуд муаммоларни биргаликда бартараф этиш бўйича келишиб олишди.[5] Фарғона вилояти қурилиш материаллари саноати энг ривожланган ҳудуд ҳисобланади.[6] Боиси вилоят геологик жиҳатдан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун кўплаб хомашёга бой саналади. 2023-йилда ҳам вилоятда кўплаб қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган саноат корхоналари ишга тушириш режалаштирилган.[7]

1-жадвал

Фарғона вилоятида январь-ноябрь ойларида қурилиш материаллари экспорти 2021-2022 йил.				
шаҳар ва туманлар	2021		2022	
	корхона сони	минг акш долл	корхона сони	минг акш долл
Олтиарик			1	1,1

Куштепа	4	43,8	1	7,8
Богдод	2	3,3	2	3,6
Бувайда			2	1,4
Бешарик	5	9,6	5	19,9
Қува	1	5,3	5	6,3
Учкуприк	18	3093,0	24	6339,2
Риштон	6	39,5	4	35,1
Тошлок	4	22,8	3	35,9
Ўзбекистон	17	673,0	26	507,8
Фаргона туман	8	230,7	15	1045,9
Дангара	1	6,0	17	38,8
Фуркат			2	3,3
Фаргона шаҳар	28	275,8	21	503,0
Қукон шаҳар	11	96,7	15	1462,5
Қувасой	38	4226,8	26	6959,4
Маргилон	27	799,4	32	920,4
Жами вилоят	170	9525,4	201	17891,3

(жадвал муаллиф томонидан ўрганилган)

Хулоса: Қурилиш материаллари корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш жараёнлари назария, муаммолар ечими, такомиллаштириш истиқболлари ишлаб чиқариш тизимларининг қувватларини бошқариш вазифаси кўп қирралилиги билан фанни талаб қилади. Такومиллаштирилган ишлаб чиқариш тизимининг моделларида

кўплаб таркибий ва параметрик омилларни ҳисобга олиш керак, бу унинг самарадорлигини тахмин қилиш имконини беради. Ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари маҳсулотларнинг ўзига хос хусусиятлари, ишлаб чиқариш хусусиятлари ва корхоналарнинг фаолияти билан саноатнинг турли тармоқларида қувватларни бошқариш методологиясига жиддий ўзгартириш киритилади, бу эса ушбу кўп қиррали муаммони ҳал қилишда имкониятини беради.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4335-сонли 23.05.2019 йил кунги қарори.
2. Макаров В. М., Савинов Ю. И. Технологический контроллинг – ключевой фактор модернизации производств. – РИТМ, № 4, 2013, с. 30–34.
3. Макаров В. М., Лукина С. В., Лебедь П. А. Имитационное моделирование в задачах технологического инжиниринга. – РИТМ, № 2, 2012, с. 20–26.
4. Макаров В. М., Лукина С. В. Автоматизация как метод эффективного техперевооружения предприятий. – РИТМ, № 6, 2012 с. 20–23.
5. Фролов Е. Б. Эффективное управление производством. – РИТМ, № 10, 2013.
6. Макаров В. М., Лукина С. В. Программы развития – экспертный подход. – РИТМ, № 9, 2014, с. 19–23.
7. <https://uzsm.uz/uz/activities/production/>.